

ISSN 2181-9599

DOI JOURNAL 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF LOOK TO PAST

ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
№3 (2019)



TOSHKENT-2019

Маттео Компарети ОТКРЫТИЯ НОВЫХ КИТАЙСКИХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ НАХОДОК	4
Мадонна Кебадзе, Майя Бурдиашвили ГРУЗИНСКО-ПОЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ	14
Матвеева Любовь Дмитриевна, Ишбулатов Риф Фанилевич ИЗ ИСТОРИИ НЕФТЯНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РОССИИ	23
Исхоқов Мирсодик Мирсултонович ЗАРАТХУШТРА (ЗАРДУШТ)НИНГ ШАХСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	38
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА Маҳкамова Надира Раҳмоновна ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	48
Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна, Раҳмонбердиева Нодира АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЛАБ ШАҲРИНИ ЗАБТ ЭТИШИ: САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ	58
Масалиева Олтиной Масалиевна БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА СОВЕТ МАФКУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ	65
Абриев Рўзикул Бўронович ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБИДАЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАССАСАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	74
Абдурахмонова Ирода Холйигитовна АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР	79
Абдуразаков Фарход, Махмудов Бекзод ҲАРБИЙ РАЗВЕДКА – ҲАРБИЙ САНЪАТНИНГ АСПЕКТИ СИФАТИДА (Тарихий таҳлил).....	87
Алимова Раҳима Рускуловна А.Ф.НЕГРИ ЭКСПЕДИЦИЯСИ БУХОРОДА.....	93
Азаматова Гулмира Байирбековна ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	103
Алимухамедова Нодира Ядгаровна МИЛЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ.....	113
Аҳмедова Зебинисо Азизовна АҲМАД ДОНИШНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ	124
Феруз Бобоев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СОВЕТ ТУЗУМИГА ҚАРШИ КУРАШ (1925-1935 ЙИЛЛАР)	130
Ботирова Халима Эшмаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИС КАДРЛАР МАСАЛАСИ (1990 – 2010 йиллар)	137
Гадоева Лобар Эргашевна ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ МИЛЛИЙ ТИББИЙ (ЭТНОТИББИЙ) МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ.....	145
Давурова Шохида Ҳайдаровна БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИ	153
Doniyev Sardor Ixtiyor o'g'li XX ASRNING 80-YILLARIDA QASHQADARYO VILOYATIDAGI IJTIMOIIY JARAYONLAR (TABIIY GAZ SOHASI MISOLIDA)	160
Ергашев Сухроб АЖДОДЛАР МЕРОСИГА САДОҚАТ	164
Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ БОСҚИЧЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ	170
Жўраев Хусан Алишерович	

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИС КАДРЛАР МАСАЛАСИ
(1990 – 2010 йиллар) Ботирова Халима Эшмаматовна,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти
Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақилликниг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг жанубий худудларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларни жой-жойига қўйиш масаласи, етук тажрибали қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг иш тажрибасидан фойдаланмаслик қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор муаммоларни келтириб чиқарганлиги танқидий таҳлил қилинган. Шунингдек, мутахассисларга бўлган талаб, уларни тайёрлаш, иш малакасига тааллуқли иш билан таъминлаш, жаҳон андозаларига мос замонавий техникаларни бошқариш қобилиятини шакллантириш давлат сиёсатининг асосий тамойилига айланганлиги, кейинги йилларда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш соҳасида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини бера бошлаганлиги илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: аграр соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, фермер хўжаликлари, мутахассисларнинг билим даражаси, касбий малакавий қобилияти, илмий-техникавий салоҳияти, деҳқончилик, боғдорчилик.


**ПРОБЛЕМЫ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО АГРАРНОМУ СЕКТОРУ В
ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА (1990-2010 годы)**

Ботирова Халима Эшмаматовна,
старший преподаватель кафедры Гуманитарные науки
Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства

АННОТАЦИЯ

В данной статье критически анализируются проблемы возникшие в первые годы независимости в расстановки кадров в сфере сельского хозяйства южных регионов Узбекистана, возникновения ряда проблем в сельском хозяйстве в результате не использование опыта высококвалифицированных кадров в данной области. Также, научно анализированы такие основные государственные принципы, как спрос на специалистов, их обучение, трудоустройство по специальности, навыки управление современными технологиями, отвечающими международным стандартам.

В статье отмечено, что в последние годы использование опыта развитых стран в решении возникших проблем даёт свои положительные результаты.



Ключевые слова: специалисты по аграрному сектору, сельское хозяйство, продукты сельского хозяйства, фермерские хозяйства, степень знаний у специалистов, профессиональная квалификация, научно-технический потенциал, земледелие, садоводство.

PROBLEMS OF SPECIALISTS IN THE AGRICULTURAL SECTOR IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (1990-2010 years)

Botirova Khalima,
Head teacher of the department
“Humanitarian sciences”
Tashkent institute of irrigation and
agricultural mechanization engineers

ANNOTATION

The article analyzes critically the fact that in the southern regions of the country, there is a lack of experience in the field of agricultural specialists, the lack of experience of experienced agricultural specialists, and the problems of agriculture. The main principle of the state policy is the demand for specialists, their training, employment skills, and the ability to manage modern technology that meets international standards. It was stated that the use of the experience of developed countries in the field of elimination of the existing problems of the early years of independence has given its positive impetus.

Key words: agricultural sector specialists, agriculture, agricultural products, farms, degree of knowledge from specialists, professional qualification, scientific and technical potential, agriculture, gardening.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига саноат билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ҳам сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,9 фоизи – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,9 фоизи – фермер хўжаликларига, 2,2 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келган [1].

Бироқ, кейинги йилларида хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши ортиши кузатилмоқда.

Албатта бугунги кунда аграр соҳани янада ривожлантиришда замонавий билим, касб ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам бу борада малакали ва жаҳон андозаларига хос билим ҳамда кўникмаларни эгаллаган мутахассисларнинг бевосита фаол меҳнати туфайли республикада дон мустақиллигига эришиш ва бошқа озик-

овқат маҳсулотлари тайёрлашни кенгайтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бироқ, шу билан биргаликда, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамасдан, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаган. Жумладан, сўнгги йилларда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳиссаси юқори бўлган деҳқон-фермерларнинг ва бошқа тоифадаги аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмаган [2].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикаимиз жанубий ҳудудларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни жой-жойига қўйишдаги камчиликлар, етук тажрибали қишлоқ хўжалиги мутахассислари иш тажрибасидан фойдаланмаслик, мустабид тузум давридан қолган маъмурий-бўйруқбозлик, қўшиб ёзиш, маҳаллий ҳудудни ер таркиби, тузилиши, ҳосилдорлигини тўлиқ аниқламасдан туриб, режа топшириқлар бериш каби ҳолатларнинг мавжудлиги қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини юксалишига асосий тўсиқ бўлиб қолган эди.

Ваҳоланки, жанубий ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай ер, экин майдонлари мавжуд лекин, мустабид тузум давридаги пахта якка ҳоқимлиги сиёсати натижасида кўплаб майдонларга номига пахта экилиши, ишлов бериш технологиясининг паст эканлиги ерларнинг табиий ҳолатини бузилишига, ерга ишлов бериш агротехникаси ўз олдига қўйган вазифани бажара олмаслиги сабабли қишлоқ аҳолиси ҳаётида жиддий муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири мутахассисларга бўлган талабнинг, маъсулиятнинг эътибордан четга қолаётганлиги ҳамда агорономия мутахассисларини ишига умуман жиддий қаралмаганлиги сабаб бўлмоқда эди. Қишлоқ хўжалигининг асосий таянчи бўлган агорономия соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ушбу соҳа мутахассисларининг меҳнатини қадрланмаслиги, янги экин турлари, навларини номига жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифат ва самардорлиги ҳам талаб даражасида бўлмай, мустабид тузумнинг сўнгги йилларида фақат қоғозларда акс этиб қолди.

Айниқса, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини эътиборга олмаган ҳолда навларни минтақанинг иқлими, тупроқ таркибини инобатга олинмасдан экилиши натижасида навларни мослаштиришда катта хатоликларга йўл қўйилди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, навларни кўпроқ четдан олиб келиниши рўй берди, бу эса, навларнинг шароитга мослашмаслиги оқибатида ҳосилдорликни пасайишига ҳамда режада белгиланган вазифаларнинг бажарилмай қолинишига олиб келди.


Ана шундай оғир вазиятда қишлоқ хўжалигини тиклаш, бу соҳадаги мутахассисларни қайта тайёрлаш, янги қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий малакали мутахассисларга бўлган эътиборни давлат дастури асосида тўлиқ амалга ошириш долзарб масала бўлиб қолди. Бунинг натижасида ислохотларнинг самардорлигини ошириш, маҳсулотларни сифат ва қайта ишлаш

технологияларини яратиш, энг муҳими қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қонуний асосларини такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек — “қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласига алоҳида эътибор берилиди” [3, 403], чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади.

1990 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мустабид тузумнинг асоратлари ҳали ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб турарди. Яъни аграр соҳа ислоҳотларининг амалга оширилишига эски бошқарув тизимидаги бўйруқбозликка асосланиш, ерга эгалик қилиш, қишлоқ хўжалик транспортларини ўз ихтиёрида тўплаш, атрофига қишлоқ хўжалиги соҳасида билим тажрибаси бўлмаган кишиларни йиғиш, мавжуд бўш ўринларга маълумотсиз, аграр соҳада уқуви бўлмаган кишиларни жалб қилиш ҳолатлари жиддий тўсиқ бўлаётган эди. Натижада қишлоқларда яшаб, ўқиб аграр соҳада мутахассис бўлган кишилар иш ахтариб ўз касбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай ҳолатларда ширкат, жамоа хўжалиги, фермер хўжаликларида номутахассисларнинг тўпланиши туфайли серхаражатлик ошиб, ажратилган маблағларни талон-тарож қилиш ҳолатлари ҳам кўпайди. Яъни Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг серхаражат механизми ҳамон устунлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараётир. Моддий харажатларнинг ҳаддан ташқари катта бўлишга олиб келмоқда” [3, 407].

Қишлоқхўжалиги соҳасини етарлитарзда мутахассислар билан таъминламасдан, уларнинг билим ва малакаларини ишлаб чиқаришга жалб қилмасдан туриб ернинг унумдорлигини ошириб бўлмас эди. Малакали мутахассисларни ўз ўрнида етарлича жалб қилинмаганлиги туфайли Сурхондарё вилоятидаги 143 та хўжаликдан 109 таси, жумладан Бандихон туманидаги «Хўжаипак», «Янгиҳаёт», Шеробод туманидаги «Истиқбол», Термиз туманидаги «Каттақум», Қизирик туманидаги «Навоий» номли жамоа хўжаликлари гектаридан ўша йилларда 10 центнер пахта ҳосили олдилар. Тажрибадан маълумки, ҳеч қандай ишлов берувсиз ҳам қаралмаган ердан экин экилса 13 центрдан ҳосил олиш мумкин. 1996-2000 йилларда мутахассисларни жалб этилмаганлиги натижасида бошоқли дон ҳосилдорлиги 4,5 центрга пасайиб кетди. Давлатга дон сотиш режаси 1999 йилда 54,8 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Бандихон, Ангор, Қизирик, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун, Шеробод туманларида 38-50 фоизга бажарилди, холос.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мустабид тузум давридаги мутахассисларга нисбатан олиб борган юзаки сиёсати натижасида минглаб аграр соҳа мутахассислари ишсиз қолган ҳолда, оилавий иқтисодий қийинчиликларни ўз бошидан кечирдилар. Сурхондарёда 12 минг, Қашқадарёда 15 минг аграр соҳадаги олий маълумотли мутахассислар ишсиз бўлиб, ўз соҳасидан



четлаштирилди. Энг ачинарлиси 1991 йилдан кейин аграр соҳада ислохотлар жорий этилаётган жараёнда ишсиз қолган аграр соҳа мутахассислари ўз ишига қайтарилмай, мутлақо аграр соҳани билмайдиган қурувчилар, ўқитувчилар, савдо ва бошқа соҳа ходимлари аграр соҳага кириб келиб, аграр соҳа бошқарув тизимга жойлашиб олдилар. Шунинг учун ҳам, ишсиз ёки иш кутиб турган қишлоқ – хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштириш давлатнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994-1995 йилларда қишлоқ хўжалиги йўналишида ислохотлар ўтказишга доир ўндан ортиқ қарорлар қабул қилиниб, улар асосида энг муҳим масала сифатида мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ўз касбий малакавий тажрибаси асосида иш билан таъминлашга эътибор қаратилди. 1996 йилда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги дастурини яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Шунга асосан, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. 1996 йил 3 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қуватлаш чоратадбирлари тўғрисидаги»ги Фармони қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Яъни қарорда қишлоқда ўтказилаётган аграр ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва замонавий билимга эга бўлган мутахассислар туфайли мавжуд муаммоларни бартараф қилиш эканлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Аграр соҳада мутахассисларга бўлган талаб эҳтиёжларни аста-секинлик билан таъминланиши натижасида туманлар, фермер хўжаликлар экин майдонлари ва экин турларини ўзгартириб, минтақавий иқлим шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг маҳаллий шароитига мос навларни яратиш билан бирга пахта экин майдонларини камайтириш ҳисобига бошқа экин турларининг сони ва салмоғини ошириб бордилар. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш учун Денов туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифат ва салмоғи талаб даражасида ўсиб, туманда 1991 йилда 51 минг 158 тонна, 1995 йилда 48 минг 099 тонна, 2000 йилда 35 минг 513 тонна, 2002 йилда 44 минг 762 тонна пахта етиштирилиб, йилдан-йилга пахта майдонлари ва ҳосилдорлиги камайиб бориши ҳисобида бошқа экин турлари кўпайиб борди. Бу эса мустабид тузум даврида эътибордан қолган иккинчи даражали ҳисобланган полиз-савзавот ва боғдорчилик-мевачиликни қайта тиклаш имкониятини бериши ушбу соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини кун тартибидаги жиддий масала қилиб қўйди.


Натижада, субтропик ҳудуд ҳисобланган Деновда мевачилик, боғдорчилик, полиз ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб, халқ эҳтиёжлари таъминлаб борилди. Деновда 1991 йилда 6 минг 236 тонна узум, 1995 йилда 7 минг 420 тонна узум, 2000 йилда 5 минг 665 тонн узум, 1991 йилда 1 минг

058 тонна картошка, 1995 йил 93 тонна, 2000 йилда 268 тонна картошка етказиб берилди. 1991 йилда 8 минг 641 тонна сабзавот, 1995 йилда 6 минг 565 тонна сабзавот, 2000 йилда 1 минг 075 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. 1991 йил 2033 тонна полиз экинлари, 1995 йил 1783 тонна полиз экинлари, 2000 йилда 697 тонна полиз экинлари, “2007 йили Сурхондарё вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикрни тасдиқлайди”[4, 303] етказиб берилди.

Мутахассисларга бўлган талаб, уларни тайёрлаш, иш малакасига тааллуқли иш билан таъминлаш, жаҳон андозаларга мос замонавий техникаларни бошқариш қобилиятини шакллантириш давлат сиёсатининг асосий тамойилига айланиб, мустақилликнинг дасталабки йилларидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш соҳасидаги жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланилиши ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларни билим тажрибаси асосида пахта экин майдонлари камайтирилган бўлса-да, бироқ унинг гектар бошига ҳосилдорлигини ошириш мутахассисларга боғлиқ бўлиб қолди. Бу масалани тарихий таҳлиliga эътибор берилганда, Шўрчи туманида пахта ҳосилдорлиги ошиб, янги ерларни ўзлаштириш ва мавжуд ерларга алоҳида ишлов бериш туфайли пахта етиштириш йилдан-йилга ортиб, давлат режаси мунтазам бажарилиб, янги ютуқларга эришилганлигини мисол қилиш мумкин. Хўжаликлар ва фермерлар мавжуд тажрибаларни ишга солиб, ҳосилдорликни ошириш билан бирга пишиқ пахта толасини етказиб беришга эътиборни қаратганлиги туфайли давлатга пахта сотиш йилдан-йилга камайиб борганлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Жумладан, Шўрчи туманида 1991 йил 34485 тонна пахта, 1992 йил 23153 тонна пахта, 1993 йил 31267 тонна пахта, 1994 йил 31280 тонна пахта, 1995 йил 31413 тонна пахта, 1996 йил 29444 тонна пахта, 1997 йил 23937 тонна пахта, 1998 йил 23620 тонна пахта, 1999 йил 24569 тонна пахта, 2000 йил 16539 тонна пахта, 2001 йил 21243 тонна пахта, 2002 йил 24732 тонна пахта тайёрланиб давлатга топширилди. Пахта йиллик режаси пасайиб борган бўлсада, унинг ўртача ҳосилдорлиги ошиб, даромад имкониятлари яхшиланди.

Олтинсой туманидаги «Ғолиб», «Хўжасоат», Узун туманидаги «Хурсанд», Бандихон туманидаги «Дўстлик», Термиз туманидаги «Уч қизил» сингари хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центнер атрофида, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 хўжаликда эса 15 центнерни ташкил этди. Сабзавот соҳаси 1999 йилда 1998 йилдагича нисбатан ҳосилдорлик 8 центнерга камайиб кетди, узум етиштириш эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага камайиб қолди. 1996-2000 йилларда боғ майдонлари 1200 гектарга камайиб қолиб, оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлайдиган 10 га яқин корхоналар тўлиқ қувват билан ишлай олмадилар. Бу корхоналар 1999 йили 34 минг тонна ўрнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади, холос[7, 1-10].

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши албатта мутахассисларни билим даражаси, касбий малакавий қобилияти, янги замонавий қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-техникавий салоҳиятига боғлиқ бўлиб, бу эса қишлоқ хўжалигининг



хамма соҳасига тааллуқли эди. Чунки мустабид тузум даврида мутахассисларнинг асосий қисми фақат пахта экинларини экишдан то уни йиғиштириб олиш жараёнига оид билим ва тажрабага эга бўлиб, бошқа аграр соҳа экинларига иккинчи даражали эътибор қаратиларди. Натижада Ўзбекистонда, жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам полиз-савзоват ва боғ-мевачилик соҳасига оид мутахассислар ўз ишига сидқидилдан эътибор бермас, айниқса, агрономлар фаолиятига давлат томонидан ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмас эди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида иккинчи даражали ҳисобланган полиз-савзоват ва боғ-мевачилик йўналиши деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, бу соҳа мутахассислари номига иш олиб борар эдилар. Бу соҳадаги мавжуд камчиликларни мукамал таҳлил қилган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Қашқадарё масаласидаги ҳолатга эътибор бериб: “Сўнгги йилларда мева, сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришга эътибор сусайтириб юборилгани сабабли ҳосилдорлик камайиб кетган. Масалан, 1992 йилга нисбатан, бу йил 56,3 минг тонна сабзавот кам етиштирилган. Картошка 4 минг тоннага, мева ва узум 46, 8 минг тоннага камайган.... Вилоятда 85 минг тонна картошка зарур бўлса, атига 15-20 минг тонна етиштирилмоқда. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ердан атига 50-80 центнерни, 1995 йилнинг 10 ойида эса 60 центнерни ташкил қилган” [6, 304].


Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигига қўшган салмоқли ҳиссасини қисқача хулоса тарзида қуйидагиларда кўрсатиб ўтиш мумкин:

Мустақиллик йилларида республикамиз жанубий вилоятларида бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларга бўлган эътибор анча ошиб, мутахассисларни касбий билим даражасини, техникани бошқаруви, уни таъмирлаш билан боғлиқ ҳамда хориждан келтирилган техникаларни бошқариш, қайта таъмирлашга оид тажрибалар умумлаштирилди. Натижада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини етиштириб, юртдошларимизнинг дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшмоқдалар [8, 160].

Деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ўзгариб, улар ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида деҳқончилик ва боғдорчилик тўлиқ фермер хўжаликлари ихтиёрига берилди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкӣ тизим ва уларга хизмат кўрсатувчи бирлашмалар, бошқармалар ва корхоналар қайта ташкил этилди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотлар натижасида қишлоқ ҳаёти янгиланди, деҳқон ва фермерларнинг меҳнатга муносабати, дунёқараши ўзгарди. Улар ернинг ҳақиқий эгасига, ўз меҳнати эвазига етиштирилган маҳсулотнинг хўжайинига айланди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий



Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган // илмий-оммабоп қўлланма. – Тошкент: Маънавият, 2019. –Б.5.

2. Ўша ерда. –Б.131.

3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”. 16 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

5. Каримов И.А.. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи// Маърифат, 2000 йил 25 март.

6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. // Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида 1995 йил 29 ноябрда сўзлаган нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, баринчи китоб. –Термиз. 1996.

8. Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқт. фан.ном. ...дисс. – Тошкент, 1999.